



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТУРИЗМ СОҲАСИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА



Максумов Азизхон Нодиржон ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.

Сайдов Уткир Уралбоевич

Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти мустақил
тадқиқотчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада давлат-хусусий шерикчилик (кейинги ўринларда - ДХШ)нинг барқарор туризмни ривожлантиришдаги роли ўрганилади, жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда бу масала юзасидан ҳолатга эътибор қаратилади. Туризм соҳасида барқарорликнинг ошиб бораётган аҳамияти туфайли ДХШ иқтисодий ўсишни экологик ва ижтимоий масъулият билан мувофиқлаштириш воситаси сифатида кўрилмоқда. Мақолада ушбу масала юзасидан жаҳондаги энг яхши тажрибалар ва ДХШнинг Ўзбекистонда қўлланилиши, хуқуқий асослари, бу борадаги муаммолар ва истиқболли йўналишлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Давлат-хусусий шерикчилик, барқарор туризм, Яшил иқтисодиёт, яшил технологиялар, экологик муҳофаза, туризм инфратузилмаси.

Туризм индустрияси глобал иқтисодиётга катта ҳисса қўшади, аммо унинг тезкор ўсиши атроф-муҳит ва маҳаллий жамоатчилик учун жиддий хавфлар туғдириши мумкин¹. Барқарор туризмнинг ривожланиши ушбу салбий таъсирларни камайтиради ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва қадриятларни асраб қолиш ва иқтисодий ривожланишини қўллаб-куvvatлашга қаратилган амалиётларни тарғиб қиласи.

Туризм соҳасининг етакчи мутахассислари, олимлари томонидан барқарор туризм индустриясини ривожлантириш зарурати туризм соҳасининг тараққий этиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида энг муҳим омил эканлигини бир овоздан тан оладилар. Барқарор туризм (sustainable tourism) атамаси манбаатдор томонларнинг туризм индустриясини янада очик, умумий масъулиятли ва заарсиз ривожлантириш зарурати сабаб пайдо бўлди. Глобал контекстда барқарор туризмни “ҳозирги ва келажақдаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик таъсирларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, ташриф буюрувчилар, саноат,

¹ UNEP Report on Ecotourism and PPPs, Costa Rica Case Study, 2020.

атроф-мухит ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи туризм” деб таърифлаш мумкин².

Бунунги кунда жаҳон миқёсида экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, яшил иқтисодиётни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва қадрияларни асраш ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш шароитида барқарор туризм ривожланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра “экотуризм йиллик ўсиш даражаси 30%ни, жаҳон туризми даромадларидағи улуши 10-15%ни ташкил қиласиди”³. Шу нуқтаи назардан жаҳон миқёсида мамлакатларнинг экологик ва рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш, табиий ресурслар ва маданий меросни асраш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишда барқарор туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ДХШ – бу барқарорлик мақсадларига эришишда самарали механизм бўлиб, давлат ва хусусий сектор ресурслари ва тажрибасидан фойдаланишни таъминлаб, инновацияларни ривожлантириш ва жамиятдаги секторларнинг умумий масъулиятни оширади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини, жумладан миллий табиат боғлари, қўриқхоналар, табиий ёдгорликлари ва туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Туризм соҳасини жадал ривожлантириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш”⁴ устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Бу борада туризм ва ДХШ йўналишидаги тадқиқотлардан самарали фойдаланган ҳолда барқарор туризмни ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, иқтисодий натижадорлиги ва ижтимоий масъулиятини таъминлаш ўзига хос аҳамият касб этади.

Аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун, ДХШ механизmlарининг барқарор туризмни қўллаб-қувватлашдаги роли ҳақида бир нечта мамлакатлардан мисоллар келтирамиз.

Жумладан, Австралияда Great Barrier Reef Marine Park лойиҳаси хусусий секторнинг маблағ ажратиши ва табиатни муҳофаза қилиш дастурларини бошқаришда иштирокини ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида денгиз экотизимларини сақлаб қолиш ва барқарор туризмни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Индонезияда, Бали сайёҳлик масканларини бошқаришда хукumat ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик экологик тоза инфратузилмани қуриш ва маҳаллий аҳолига туризм соҳасида малака ошириш учун тренинг дастурларини тақдим этишни ўз ичига олади⁵.

Барқарор туризмни ривожлантириш мақсадида ДХШ механизларидан фойдаланишнинг принциплари бир қатор олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

² UNEP & UNWTO, 2005

³ Travel & Tourism Global Economic Impact & Issues 2017 // World Travel & Tourism Council, United Kingdom, 2017.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони// www.lex.uz

⁵ Spenceley, A. Responsible Tourism: Critical Issues for Conservation and Development. Earthscan. 2008.

Дастлаб, барқарор туризм ривожланиши омилларини ўрганиш масалани чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. McKercher; Meadow; Mowforth, Casagrandi, Rinaldi; Weaver, Opperman каби олимларнинг фикрича барқарор туризмнинг қуидаги 4 та асосий принципи мавжуд⁶:

1. Экологик барқарорлик: ривожланиш асосий экологик тизимлар, хилмачиллик, ландшафт ҳамда табиий ресурсларнинг ноёблигини сақлаш мақсади билан уйғунлаштирилиши лозим;

2. Иқтисодий барқарорлик: ривожланиш иқтисодий жиҳатдан самарали ва фойдали бўлиши керак, барча ресурслар келажак авлод учун сақлаб қолиш мақсадида оқилона бошқарилиши зарур;

3. Маҳаллий барқарорлик: ривожланиш маҳаллий аҳоли учун фойдали бўлиши ва худудлар учун иқтисодий манфаатни кафолатлаши шарт;

4. Маданий барқарорлик: ривожланиш миллий маданият ва маданий қадриятлар билан уйғунлашиши лозим. Шунингдек, у маданий ўзликни асраш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Ушбу принциплар барқарор туризмни ривожлантиришда ДХШни қўллашнинг тамойилларини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Шу асосда барқарор туризмни ривожлантиришда ДХШни қўллашнинг бир қатор тамойилларини **белгилаб олдик**:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил технологиялар: Туризм инфратузилмасида яшил технологиялар, жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларини, сувни тежаш тизимларини ва чиқиндиларни бошқариш амалиётларини қўллаш зарур.

2. Маҳаллий иқтисодий ривожланиш: ДХШ лойиҳалари маҳаллий иқтисодий ривожланиши таъминлайди, бу орқали маҳаллий аҳоли туризмни ривожлантиришга жалб этилади ҳамда уларга иқтисодий имкониятлар тақдим этилади.

3. Маданий ва табиий меросни сақлаш: ДХШ лойиҳалари маданий ёдгорликлар ва туризмни ривожлантириш туфайли хавф остида бўлган табиий худудларни сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

4. Рискларни тақсимлаш ва инновацион молиялаштириш: ДХШ лойиҳаларининг энг асосий афзалларидан бири, молиявий ва операцион рискларни давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимлаш имкониятидир.

Ўзбекистонда 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни⁷ ДХШ лойиҳаларини туризм ва бошқа соҳаларда қўллашнинг қонуний асосларини мустаҳкамлади. Ушбу хуқуқий асос хусусий сектор корхоналарини туризм инфратузилмаси ва барқарор туризм ривожланишига фаол жалб қилди, хусусан, маҳсус эркин туризм зоналари, кластерлар ва экологик тоза туризм лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантирди. Бундан ташқари, шу йили қабул қилинган Ўзбекистон

⁶ McKercher, R. 1993. The unrecognized threat: Can tourism survive “Sustainability”? Tourism Management 14(2): 131–136., Meadow, D. 1998. Indicators and information systems for sustainable development. Hartland: Four Corners., Mowforth, M.; Munt, I. 1998. Tourism and sustainability: New Tourism in the third World. Oxford: International Thomson Business Press., Casagrandi, R.; Rinaldi, S. A. 2002. Theoretical approach to tourism sustainability, Conservation Ecology 6 (1)., Weaver, D.; Opperman, M. 2000. Tourism management. Milton: John Wiley & Sons Australia.

⁷ Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/acts/4329270>

Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонуни⁸ орқали ДХШни туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида қўллаш масаласини устувор йўналишлардан бири сифатида мустаҳкамлади.

Бундан ташқари, кўплаб қонун ости хужжатлари қабул қилиниб, ДХШ асосида барқарорлик тамойилларига асосланган замонавий туризм инфратузилмасини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳрини Янги Ўзбекистоннинг “туризм дарвозаси” сифатида белгилаб⁹ худудни бутун бир кластер сифатида ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа барқарор туризмни ривожлантириш мақсадида миллий стратегиянинг бир қисми сифатида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа хусусий инвесторлар, маҳаллий ҳокимият ва Республика ҳукумати билан ҳамкорлиқда экологик тоза меҳмонхоналар, қайта тикланадиган энергия билан ишлайдиган транспорт тизимлари ва барқарор бошқариш амалиётига риоя қилувчи маданий мерос объектларини ривожлантиришни ўз ичига олади. Лойиҳа орқали маҳаллий иш ўринлари ва ташриф буюрувчи туристлар сонини ошириши кутилмоқда, шу билан бирга атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш мақсад қилинган.

Эришилган ютуқларга қарамасдан, Ўзбекистонда барқарор туризмни ривожлантириш йўналишида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда бир қатор муаммоли масалалар мавжуд. Жумладан инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги, маҳаллий аҳоли, хусусан соҳадаги кадрлар салоҳиятини ошириш зарурати ва “яшил” технологияларнинг жамият ҳаётига секинлик билан қабул қилинаётганлиги ва бошқалар. Бундан ташқари, тўлиқ мониторинг ва баҳолаш механизmlарининг мавжуд эмаслиги ДХШ лойиҳаларининг узоқ муддатли муваффақиятини баҳолашни қийинлаштиради.

Фақатгина туризм инфратузилмасини ривожлантириш Ўзбекистоннинг туризм минтақаси сифатида рақобатбардорлигини таъминламайди. Мамлакатимизнинг тарихи, миллий қадриятлари, маданий ўзига ҳослигини сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Энг муҳими ноёб Ўзбекистон ландшафтини йўқотмаслик ва қўшни мамлакатлардан бу масалада ортда қолмаслиқдир. Туризмни ривожлантириш фақатгина боғлиқ бўлган соҳаларнинг барча даражалари барқарор бўлганда ва шериклик муносабатлари мутаносиб ривожландагина мумкинлигини англаш муҳимдир. Барқарор туризмни ривожлантиришда барча тегишли соҳалар ҳаракатларини мутаносиблаштирувчи барқарор туризмни ривожлантириш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратиш лозим.

Чунки, барқарор ривожланиш жамият институтлари, хусусий сектор, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат ҳамкорлигини ўз ичига олади ва кафолатлайди, туризм минтақасида рақобатбардош ҳаракатларни тизимли равишда баҳолайди ва назорат қиласди. Туризм инфратузилмаси, туристлар,

⁸ Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/4428097>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни «Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси» концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-455-сон қарори, 26.12.2022.

инвесторлар, ҳукумат каби жуда муҳим объектлар барқарор ривожланиш тизимиға таъсир қўрсатади¹⁰.

Барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий этишда "Agenda-21" дастурига асосланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ижтимоий дастур 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган UNCED (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Атроф-муҳит ва ривожланиш конференцияси) да қабул қилинган ҳаракатлар дастуридир. У барқарор ривожланишни қўллаш учун иқтисодий, ижтимоий, экологик, худудий, сиёсий ва институционал томонларни баҳолаш учун фойдаланилади.

Туризмнинг барқарор ривожланишини эконометрик методлар ёрдамида баҳолаш иқтисодий, экологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро таъсирини аниклаш имконини беради. Бугунги кунда барқарорлик тушунчаси ва туризмни таҳлил қилишнинг қўплаб эконометрик методлари мавжуд. Шулардан айнан "Панел регрессия" ва "SEM" моделлари туризмнинг барқарорлигига комплекс таъсир этувчи омилларни аниклашда самаралидир.

ДХШ лойиҳаларининг барқарор туризм ривожланишига таъсирини аниклаш моделларига тўхталиб ўтамиз:

1. Туризмдан олинган даромадлар ва ДХШ инвестицияси ўртасидаги боғлиқликни қўйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$\text{TourRev}_t = \alpha + \beta_1 \text{PPPIInv}_t + \beta_2 \text{InfraQual}_t + \beta_3 \text{TourCap}_t + \epsilon_t$$

Бунда,

TourRev_t - Туризмдан олинадиган даромадлар.

PPPIInv_t - ДХШ орқали амалга оширилган инвестициялар.

InfraQual_t - Туризм инфратузилмаси сифати.

TourCap_t - Туризм ҳажми (мехмонхоналар сони, меҳмонлар учун жойлар).

2. Туризмнинг барқарорлик индексига таъсир қўрсатувчи омилларни аниклашда қўйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$\text{SustIndex}_t = \gamma + \delta_1 \text{PPPEnvExp}_t + \delta_2 \text{JobCreation}_t + \delta_3 \text{CulturalPres}_t + \eta_t$$

Бунда, SustIndex_t - Барқарорлик индекси.

PPPEnvExp_t - ДХШ орқали экологик инвестициялар.

JobCreation_t - Яратилган иш ўринлари.

CulturalPres_t - Маданий объектларни муҳофаза қилиш учун ажратилган маблағлар.

Бу формулалар орқали тегишли қийматлар киритилган ҳолда ДХШнинг барқарор туризмга таъсирини ўрганиш мумкин.

ДХШ лойиҳалари барқарор туризмни ривожлантиришда, глобал миқёсда ҳам, Ўзбекистонда ҳам, муҳим восита хисобланади. Давлат ва хусусий секторнинг манбаатларини уйғунлаштирган ДХШ лойиҳалари иқтисодий ўсишни табиий ва маданий ресурсларни сақлаш билан мувозанатлашган ёндашувни ўзида акс эттиради. Ўзбекистон барқарор туризмни ривожлантириш ҳамда ДХШ механизmlарини қўллашнинг норматив-хуқуқий асослари мустаҳкамланаётганлиги

¹⁰ Grunley D. Managing sustainable tourism in Lithuania: Dream or reality?, Technological and economic development. Baltic Journal on Sustainability. 2008. 14(2): 118–129.

ва янгидан пайдо бўлаётган ДХШ моделлари соҳанинг ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди, бироқ юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш ва ДХШнинг барқарор туризмни ривожлантиришдаги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун қўшимча саъий-ҳаракатлар талаб этилади.

Жумладан, туризм ва ёндош соҳаларни ривожлантиришга қаратилган давлат қарорлари ва норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилишда атроф-муҳитга ҳамда маданий меросга зарар етказмаслик, аксинча фойда келтириш нуқтаи назаридан экспертиздан ўтказилиши лозим. Барча туризм лойиҳаларида яшил технологиялар ва барқарор туризм тамойилларини инобатга олиш мажбурий характер касб этиши мақсаддага мувофиқ;

Шунингдек, барқарор туризмни ривожлантириш йўналишидаги ДХШ лойиҳалари учун рағбатлантирувчи механизmlарни жорий этиш лозим. Бунда, молиявий рағбатлантириш, солик имтиёzlари ва паст фоизли кредитлар тақдим этиш назарда тутилади;

Барқарор туризм ва ДХШ лойиҳаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарурати ҳам мавжуд бўлиб, ДХШ лойиҳалари мониторингининг самарали тизимини жорий этиш ҳамкорликкнинг узоқ муддатли таъсирини кузатишига ёрдам беради ва барқарорлик мақсадларига эришилишини таъминлайди.

Энг яхши халқаро тажрибаларни ўрганиш асосида барқарор туризмни ривожлантиришда ДХШнинг ролини қучайтириш учун олимлар томонидан бир қатор чора-тадбирлар таклиф этилади:

1. Экологик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик жиҳатларини қамраб оловчи норматив-хуқуқий базани мустаҳкамлаш.

2. Хукумат томонидан хусусий секторга барқарор туризм лойиҳаларига инвестиция киритиши учун солик имтиёzlари ёки субсидия каби рағбатлантириш механизmlарини тақдим этиш.

3. Давлат ва хусусий сектор учун кадрлар салоҳиятини ошириш дастурларини амалга ошириш муҳим аҳамиятта эга, чунки улар шерикликни самарали бошқариш учун керакли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари зарур.

4. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишини баҳолаш ва барқарорлик мақсадларига эришилишини таъминлаш учун қатъий мониторинг ва баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиши.

Адабиётлар рўйхати:

1. UNEP Report on Ecotourism and PPPs, Costa Rica Case Study, 2020.
2. Travel & Tourism Global Economic Impact & Issues 2017 // World Travel & Tourism Council, United Kingdom, 2017.
3. Clare A. Gunn “Public-private partnership in tourism”, Oklahoma Tourism and Recreation Conference, 1976.
4. Kabirov I.S. “Theoretical aspect of public-private partnership in the sector of tourism”, Economics. 2010.

5. Ezreth, "PPP and CPPP models for sustainable tourism development in Kerala tourism in Kerala", International journal of business and administration research review, Vol.2, Issue, Jan-March 2014.
6. UNEP & UNWTO, 2005
7. Spenceley A. Responsible Tourism: Critical Issues for Conservation and Development. Earthscan. 2008.
8. Grundey D. Managing sustainable tourism in Lithuania: Dream or reality?, Technological and economic development. Baltic Journal on Sustainability. 2008. 14(2): 118–129.
9. Mckercher R. The unrecognized threat: Can tourism survive "Sustainability"? Tourism Management 14(2): 131–136. 1993.
10. Meadow D. Indicators and information systems for sustainable development. Hartland: Four Corners. 1998.
11. Mowforth M., Munt, I. Tourism and sustainability: New Tourism in the third World. Oxford: International Thomson Business Press. 1998.
12. Casagrandi R.; Rinaldi S. A. Theoretical approach to tourism sustainability, *Conservation Ecology* 6 (1). 2002.
13. Weaver D., Opperman, M. Tourism management. Milton: John Wiley & Sons Australia, 2000.
14. Saidov U.U. Conceptual foundations of applying public-private partnership mechanisms in the tourism sector. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 2024, №8, 847 p.
15. Saidov U.U. The concept of "public-private partnership" in the field of tourism and the main essence of its application. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 2024, №8, 391-398 p.
16. www.lex.uz

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

